

## Ички Ишлар Органлари Миграция Ва Фуқароликни Расмийлаштириш Хизматлари Фаолиятини Ахборотлар Билан Таъминлашни Такомиллаштиришнинг Долзарб Масалалари

Тураева Дилдора Искандаровна

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмасдан туриб чет давлат фуқаролигини қабул қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш истаги бўлмаган шахслар билан боғлиқ амалиётдаги муаммолар кўрсатилган. Шунингдек, ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматида фойдаланиб келинаётган ахборот алмашинув базаларини такомиллаштириш ва ҳамкор ташкилотлар билан интеграция қилиш орқали ушбу муаммоларга тақлифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси, паспорт, жавобгарлик, фуқароликдан чиқиш, фуқароликни йўқотиш, электрон дастур.

Барча давлатларда фуқаролик – муҳим сиёсий мақом ҳисобланиб, умум эътироф этилган халқаро принципларга асосланади. Муайян давлатнинг фуқаролигига эга бўлган шахс ушбу давлатнинг ҳимоясида бўлиши, сиёсий жараёнларида фаол иштирок этиши, Қуролли кучларида ҳарбий хизматни ўташи мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шаклланиш жараёнида биринчилардан бўлиб, 1992 йил 2 июлда фуқаролик масалаларини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-ХП-сонли Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонунга асосан: куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1. келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;
2. давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;
3. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб эътироф этилиши белгиланди.<sup>1</sup>

---

\*Тураева Дилдора Искандаровна, Навоий вилояти ИИБ ХС ва ТХММ ХСГ катта мутахассиси, подполковник.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилиши, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенглиги белгилаб берилди<sup>2</sup>.

Ушбу талаблардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида икки фуқаролик (ёки қўшфуқаролик)га рухсат берилмаганлигини кўриш мумкин. Ушбу фикримизнинг далили сифатида 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-ХП-сонли Қонунида ҳамда 2020 йил 13 март кундаги янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 610-сонли Қонунида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмаслиги<sup>3</sup> агарда шахс ихтиёрий равишда чет давлат фуқаролигини олса Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишга асос бўлиши белгилаб берилган.

Шу ўринда икки фуқаролик ёки қўшфуқаролик тушунчасига таъриф бериб ўтиш лозим.

**Икки (қўш) фуқаролик** (“бипатризм” — лотинча (“bis”), грекча (“πατρις”) — шахснинг икки ёки ундан ортиқ давлатнинг қонунлари асосида ушбу давлатларнинг фуқароси эканлигидан далолат берувчи ҳуқуқий ҳолатидир. Бугунги кунда икки фуқаролик институти бир қатор омиллар (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва х.к.) натижасида дунёнинг кўплаб давлатларида (Арманистон, Бангладеш, Буюк Британия, Беларусь, Германия, Исроил, Россия, Франция) тан олинади<sup>4</sup>.

1997 йил 6 ноябрдаги “Фуқаролик тўғрисида”ги Европа конвенциясининг 2-моддаси “b” бандида кўп фуқароликка оддийгина: “шахснинг бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эгаллиги” сифатида баҳо берилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасида икки фуқароликка рухсат берилмаган ҳолда, қонунчилигимизда икки фуқароликка эга бўлган шахсларга нисбатан маъмурий ёки бошқа жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилмаган. Ушбу ҳолат аксарият фуқароларнинг бошқа давлат фуқаролигини олгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштирмасдан келаётганликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, амалиётда икки фуқароликка эга бўлган шахслар билан ўтказилган суҳбатлар давомида фуқароларнинг чет давлатларга ишлаш ёки ўқиш мақсадида кетиб, кейинчалик ўша давлат фуқаролигини қабул қилганлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини почта хизматлари орқали юбориб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги (аксарият ҳолларда нотариал тасдиқланган) аризани илова қилган ҳолда яқин қариндошларига ёки Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига юборганликлари, ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги натижасида ўзларининг ушбу ҳатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш учун ҳужжат топширган деб ўйлаганликларини кўриш мумкин.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-ХП-сонли Қонуни 4-моддаси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2019. – № 03/19/542/3177.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, VI-боб, 22-моддаси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2023. – № 03/23/837/0241.

<sup>3</sup> “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-ХП-сонли Қонуни 10-моддаси ҳамда 2020 йил 13 март кундаги янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 610-сонли Қонуни 12-моддаси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2024. – № 03/24/905/0106.

<sup>4</sup> Одилкориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. — Т.: ЖИДУ, 2002. — Б. 128.

<sup>5</sup> Европейская конвенция о гражданстве от 6 ноября 1997 года // URL: <http://hrlibrary.umn.edu/euro/Rets166.html>

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари юзасидан аризалар: а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс томонидан — доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги ички ишлар органига;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшовчи шахс томонидан — Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консулик бўлимига топширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотнома бериш юзасидан топширилган илтимоснома ёки аризаларни кўриб чиққанлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат божи ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ-2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Консулик йиғимлари тарифида белгиланган миқдорда йиғимлар ундирилади.<sup>6</sup>

Шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг хорижий давлат фуқаролик паспорти билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиб, вақтинча яшовчи чет эл фуқароси сифатида рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш давомида текширувлар натижасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмаганлиги (аксарият ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини бир неча йиллар олдин чет давлат ҳудудида йўқотганликлари ёки муддати ўтганлиги) аниқланганида ушбу шахслар чет эл фуқароси сифатида рўйхатдан ўтмасдан мамлакатимиз ҳудудида яшаб юришлари, шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмасликлари, ушбу ҳолат аксарият қонунчилик нормалари талабларига зид келаётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, чет давлат фуқаролик паспорти билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан банк, нотариус ва шу каби давлат хизматларидан фойдаланиб келаётганликлари ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Навоий вилояти Конимех туманида яшовчи А.С. исмли фуқаро бир неча йиллар олдин оила аъзолари билан биргаликда Қозоғистон Республикасига доимий яшаш мақсадида кўчиб кетиб, Қозоғистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганидан сўнг ўзи ва оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризани илова қилган ҳолда почта хизматлари орқали Навоий вилоятида яшовчи яқин қариндошларига юборган. Яқин қариндошлари томонидан ушбу фуқаролик паспортлари Навоий вилояти Конимех тумани ИИБ МваФРБга олиб келинганида, А.С. исмли фуқаро оила аъзолари билан биргаликда *Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш учун тегишли тартибда мурожаат қилмаганлиги сабабли* Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари қабул қилинмади ҳамда яқин қариндошларига тушунтириш берилди. Бир неча йиллар ўтиб А.С. оила аъзолари билан биргаликда Қозоғистон Республикаси фуқаролик паспорти билан Ўзбекистон Республикасига келиб, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасида қолиш истагини билдириб, доимий рўйхатдан ўтиш мақсадида хорижий фуқаро учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси расмийлаштириш мақсадида Конимех тумани ИИБга мурожаат қилди. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ходимлари томонидан унинг мурожаати ўрганиб чиқиш давомида “Паспорт-виза” маълумотлар дастурида ушбу фуқаро ва оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмаганлиги аниқланиб, мурожаати қаноатлантирилмади. Шунингдек, Қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартдаги ПФ-6185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида Низом” 1-боб 2-3 бандлари// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2022. – № 06/22/61/0084.

чиқиш ёхуд келгусида Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш истаги бўлганида Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни расмийлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Навоий вилояти Навоий шаҳрида яшовчи Ш.М. исмли фуқаро Россия Федерацияси Москва шаҳрига ўқиш мақсадида бориб, тақдир тақозоси билан уша ерда турмушга чиқиб, фарзандли бўлди ҳамда Россия Федерацияси фуқаролигини олди. Бир неча йиллар ўтиб, Навоий шаҳрида яшовчи ота-онасининг ҳолидан хабар олиш учун келиб, онасининг номида бўлган хонадонга Россия Федерацияси фуқароси сифатида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун Навоий шаҳар ИИБга мурожаат қилди. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ходимлари томонидан унинг мурожаати ўрганиб чиқиш давомида “Паспорт-виза” маълумотлар дастурида ушбу фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмаганлиги аниқланиб, хорижий фуқаро сифатида вақтинча рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги мурожаати қаноатлантирилмади. Ш.М. билан ўтказилган суҳбат давомида Қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

Яна бир шунга ўхшаш ҳолат: Навоий вилояти Навоий шаҳрида яшаган А.А.исмли фуқаро ўқиш ва ишлаш мақсадида Россия Федерацияси Москва шаҳрига бориб, Россия Федерацияси фуқаролигини қабул қилди. Россия Федерацияси давлат ташкилотга ишга кириш учун мурожаат қилганида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида эмаслиги (фуқароликдан чиққанлиги) тўғрисида маълумотнома талаб қилинди. Москва шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасалари орқали сўров хати юборилиб, ушбу шахснинг ҳозирги кундаги фуқаролик ҳолати ўрганилди. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ходимлари томонидан унинг мурожаати ўрганиб чиқиш давомида “Паспорт-виза” маълумотлар дастурида ушбу фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмаганлиги аниқланиб, консулик сўров хатига тегишли тартибда жавоб хати юборилди. А.А. исмли шахснинг эътиборсизлиги, балки фуқаролик соҳасидаги билимсизлиги сабабли ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштирмаганлиги ҳамда Россия Федерацияси давлат хизматларига ишга жойлаша олмаганлигига сабаб бўлди.

Ҳозирги даврда дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларни инобатга олиб, ушбу тоифадаги шахслар ҳар икки давлат фуқаролигида қолиш истагини маълум қилмоқда, ушбу ҳолатга эса қонунчилигимизда икки фуқароликка эга бўлган шахсларга нисбатан маъмурий ёки бошқа жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилмаганлиги ҳамда уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллай олмаслигимиз сабаб бўлаётганлигини айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 март кундаги 610-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 52-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича манфаатдор давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек ҳужжатларни ва маълумотларни киритиш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базаси шакллантириш<sup>7</sup> назарда тутилган.

Ушбу Қонунга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ушбу соҳада кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини ошириш, шунингдек фуқаролик масалалари бўйича манфаатдор давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, ҳужжатларни ва маълумотларни киритиш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 март кундаги 610-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 52-моддаси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2024. – № 03/24/905/0106.

чиқишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш тўғрисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 557-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасини модернизация қилиш орқали «E-Quago» идоралараро маълумотлар базаси жорий этилиб, ушбу базани ишга тушириш орқали:

фуқаролик масалалари бўйича аризаларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш;

фуқаролик масалалари бўйича тушган аризаларни идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида кўриб чиқиш ҳамда уларга тегишли муносабат билдириш;

фуқароликка қабул қилиш, уни тиклаш, ундан чиқиш ва уни йўқотиш бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш назарда тутилган<sup>8</sup>.

Юқоридаги ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига оид қонунчилик нормаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳозирги кунда барча соҳалар жадал суръатларда электронлаштирилаётганлигини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг “Паспорт-виза” дастури ҳамда Чегара хизматининг электрон дастурларини интеграция қилиш, шу орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмасдан туриб, чет давлат фуқаролигини қабул қилган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишда чегара назоратида икки фуқаролик ҳолати аниқланганида ушбу электрон маълумотлар базаси орқали огоҳлантириш сигнали берилиши ёки “Паспорт-виза” дастурида ушбу шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти автоматик равишда деактивация қилиниши ҳамда мамлакатимиз ҳудудида ушбу шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида давлат хизматларини кўрсатишни чеклашни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ.
2. Шунингдек, фикримизча Ўзбекистон Республикаси қонун нормаларига, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддаларига ўзгатириш ва қўшимчалар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигилан чиқмасдан туриб бошқа давлат фуқаролигини қабул қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш бўйича ихтиёрий равишда мурожаат қилмаган шахслар аниқланганида уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида нормалар киритилиши лозим.
3. Шу билан бир қаторда «E-Quago» идоралараро маълумотлар базасида ихтиёрий равишда чет давлат фуқаролигини олганда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш учун қайд қилинадиган маълумотларни соддалаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш учун қабул қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатини катъий 6 ой қилиб белгилаш лозим. Амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш тўғрисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 557-сонли Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2022. – № 09/22/153/0266.

Республикаси фуқаролиги масалалари буйича мурожаатлар 1 йил давомида кўриб чиқилади<sup>9</sup>.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмасдан туриб, чет давлат фуқаролигини қабул қилган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишда чегара назоратида икки фуқаролик ҳолати аниқланганида, ушбу тоифадаги шахсларни автоматик равишда электрон қайд қилиш ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати томонидан икки фуқароликка эга бўлган шахсларнинг статистик ҳисоботи юритилиши ҳамда ушбу шахслар билан тарғибот суҳбатлари олиб борилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши ёки фуқароликни йўқотиш тартиби тушунтирилишини амалиётга жорий этиш лозим.

Юқоридаги билдириб ўтилган фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

*биринчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароликка оид нормалар тўла мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмасдан туриб бошқа давлат фуқаролигини қабул қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш бўйича ихтиёрий равишда мурожаат қилмаган шахсларга нисбатан тегишли мажбурлов ёки маъмурий жазо чоралари қўлланилиши Қонунчилигимизда назарда тутилмаган,

*иккинчидан*, ҳамкор ташкилотлар ва давлат органларининг электрон базалари билан интеграция қилиш орқали икки фуқароликка эга бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклашни амалиётга жорий қилиш лозим,

*учинчидан*, «E-Ўзбекистон» идоралараро маълумотлар алмашинув базаси такомиллаштирилиб, икки фуқароликка эга бўлган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш бўйича ҳужжатларни соддалаштириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиши муддатини камайтириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин,

*тўртинчидан*, мазкур чора-тадбирлар ва усулларни қўллаган ҳолда орқали Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг қатъий ижроси таъминланишига эришиш мумкин.

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 март кундаги 610-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 42-моддаси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2024. – № 03/24/905/0106.